



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Турсунова Лайло

*Фаргона давлат университети, Муסיқа таълими ва маданият
Кафедраси ўқитувчиси*

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Аннотация

Мазкур мақолада муסיқа маданияти тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, миллий муסיқа оламининг турли кўринишлари ижтимоий ҳодиса сифатида таҳлил этилади, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари аниқлаб берилди. Муסיқанинг турли жанрларини, жумладан, унинг тарихи, назарияси, бугунги кундаги ривожланиш истиқболлари атрофлича таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: муסיқа, санъат ва маданият, маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий, баркамол шахс, жамият, олам, категория, илмий мерос, маданий кадриятлар, мақом, фольклор.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзининг қадимий тарихига эга бўлган муסיқамаданияти билан ажралиб туради. Шу жумладан, ўзбек муסיқаси ҳам жуда қадимий бўлиб, у ўзининг мазкур соҳага тегишли бўлган анъаналари ва кадриятларига эгадир. Шу билан бирга ўзбек халқ муסיқа маданияти ўзининг миллийлиги ва мукамал даражада шаклланган бетакрор халқ ва мумтоз муסיқаси билан ҳам ажралиб туради.

Маданият – ижтимоий ва фалсафий категория сифатида кенг қамровли тушунча. У одамнинг рухий ва ақлий оламининг мажмуи бўлиб, баркамол шахсни шакллантиришда, инсоннинг маънавий-маърифий даражасини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Муסיқа эса маънавий баркамолликка етакловчи воситалардан бири бўлиб, унинг ҳар қандай жанри маънавий тарбия асоси бўла олади.



Бугунги кунда музиканинг ижтимоий-маданий фаолияти фалсафий адабиётларда шахс ақлий қобилиятларини ифодаловчи муסיқий маданият тушунчаси сифатида талқин қилинмоқда. Муסיқа маданияти тушунчасини бугунги кунгача фақат санъатшунослик фанлари томонидан ўрганилган бўлса, энди бу тушунчани ижтимоий-фалсафий тушуниш, уни яхлит ижтимоий феномен сифатида ўрганишни ҳам тақозо қилмоқда.

Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларнинг бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда муסיқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Чунки, муסיқа инсоннинг узок тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари, хиссиёти ва дунёқарашидир. Қадимги муסיқа санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мақолада муסיқа оламининг турли кўринишлари ижтимоий ҳодиса сифатида таҳлил этилади, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари аниқлаб берилади. Маълумки, музиканинг турли жанрларини ўрганиш, тарихи, назарияси, бугунги кундаги ривожланиш истиқболлари, алоҳида бастакорлар ижодини илмий тадқиқ қилиш шубҳасиз муסיқашуносликнинг изланиш доирасига киради. Лекин мазкур мақолада сўз муסיқа маданиятининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳақида бораётган экан, таъкидлаш жоизки, бу масалага айрим тадқиқотчилар ўзларининг илмий ишларида қисман тўхталиб ўтганлар.

Биз янги жамиятнинг келажаги ҳақида фикр юритар эканмиз, маданиятимизнинг теран илдишларини англаб, унинг ўзига хос ичкимантисини билиш имконига эга бўламиз. Маданиятни, жумладан, муסיқа маданиятини таҳлил қилмай туриб ижтимоий ҳаётни тўла англаш, ҳамда унда миллий характер, миллий кадриятлар бирлигини англаб бўлмайди.

Шарқ одоби, фалсафаси ва маданияти чуқур мазмундор бўлгани учун ҳам инсониятнинг айратга солади ва диққатини ўзига тортади. Шу жумладан муסיқа маданияти ҳам Шарқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг имконияти бениҳоя кенгдир.

Муסיқа маданияти синфий жамият пайдо бўлгунга қадар мазкур маданият тури узок ривожланиш, шаклланиш йўлини босиб ўтган. Кейинги йилларда муסיқа маданияти тарихи жуда узок эканлигини исботловчи айрим ашъвий далиллар учраётганлиги бизнинг ушбу масалага оид илмий тасаввурларимизни бир оз бўлса-да, ўзгартириб, бойитмоқда. Жумладан, “Авесто”даги маълумотлар археологик тадқиқотлар билан тўлдирилган ҳолда ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин.

Муסיқа – юнонча сўздан олинган бўлиб, инсон хиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини муסיқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Муסיқий маданият эса ижтимоий онг шакллари билан бири бўлиб, инсон эстетик тафаккурини ривожлантирадиган, жамият ахлоқий-маънавий ҳатти-ҳаракатини тартибга солиб турадиган даража. Шу билан бирга муסיқа – шахснинг ижтимоийлашуви, муайян ҳодиса ва ҳолатларини қайта тикловчи, унинг диққатини жалб қилувчи ва бошқарувчи, шунингдек, кишиларнинг меҳнат унумдорлигини оширувчи хусусиятга эга.



Муסיқа – инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. Инсон ҳаётида қўшиқнинг хаамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд, у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган. Қўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Қўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан. Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Шунингдек, муסיқа жамият маънавий тараққиётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиш хусусиятига эга. Унинг садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Мустаҳкам билим олишга, миллий қадрият, маънавий баркамоллик, умрбоқий анъаналар ва аждодлар таълимотини ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдириш каби тарбия ишларини амалга оширишда муסיқанинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, “...миллий куйлардан иборат муסיқий альбомларни...” тайёрлаш ва уларни оммалаштириш ишлари ҳам ёшлар онгига муסיқа маданиятини сингдиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг янги тараққиёти босқичида унинг бой муסיқий маданиятини, тарихий ўтмишини, бебаҳо фалсафий ва маънавий муסיқий меросини, қадриятларини қайта тиклаш имкониятлари очилди.

Муסיқа ҳаамиша илмий кашфиётларнинг дояси, илҳомчиси бўлган, муסיқа туфайли инсон сезгилари ижтимоийлашади, фикр тиниклашади, борликни идрок этиш фаоллашади. Инсондаги меҳр-шавқатлилиқ ва ҳамдардлиқ сингари инсоний фазилатлар миллий муסיқа маданияти орқали шаклланади ва камол топади. Муסיқа инсоннинг турли кайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, муסיқа улкан таъсирчан кучга эга бўлган тарбия воситаси, инсон руҳиятига ҳаёт бахш куч бера оладиган жон озиғидир. У кишиларнинг завқланиши, ҳузурланиши, роҳатланиши, мароқли дам олиши, таскин топиши, фикрлаши, фалсафий мушоҳада қилиши учун ёрдам беради.

Муסיқа маданияти ижтимоий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Маданият ва муסיқа ривожланишида жамиятнинг базасига монанд келадиган сиёсий устқурмасини ва уни ҳал қилишда давлатнинг роли катта аҳамият касб этади. Маданият ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи текширганда яна бир муҳим масала бўлган жаҳон маданиятининг хилма-хиллиги, регионал, этник, миллий фарқларнинг мавжудлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Маданиятнинг бундай хилма-хиллиги ҳар бир маданиятнинг турли тарихий давр, турли хил шароитларда яратилиб, шаклланиб боришлигини ифодалайди. Ҳар бир халқ, миллат турли тарихий шароитлар, турли даврларда шаклланган бўлиб, бир худуд, элат, халқ, миллат маданиятида ҳам бу нарса ўз ифодасини топган.

Афлотуннинг шогирди Арасту муסיқанинг яқка ўзи мустақил соҳа бўла олмайди, у шеърият ва рақс билан бирга намоён бўлади, деб ҳисоблади. Лекин Арасту муסיқа тушунчасини секин-астатабий товушдан бадий оҳанг даражасига олиб чиқади ва уни руҳнинг ҳаракати деб таъкидлади. Шу билан бирга Арасту муסיқани яна ижтимоий ҳодисалар қаторига қўшди. Унинг фикрича, муסיқа инсонларга хордиқ чиқариш учун хизмат қилиб, билим доираси кенг инсонлар учун



интеллектуалмашғулот ҳам бўла олишини таъкидлади. Айниқса, “Аристотел тарбиянинг воситаси сифатида муסיқага катта аҳамият беради”

Одамзод яралибдики, бахту-саодатга интилади. Ана шу мақсад билан меҳнат қилади, ўқийди, изланади, инсоният юрагидаги интилиш ваҳаракатларни, ўзида мужассамлаштирган жамият эса шу қарашлар, уринишлар билан тараққий топади. Ўзбек халқининг турмуш тарзи кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Эндиликда, бугунги кун кишиси яхши ҳаёт кечириш, мулоқотнинг гўзал намуналарини намоён этиш, энг муҳими, воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу айна пайтда, муסיқа санъати ва маданияти ривожиди ҳам ўз аксини топмоқда.

Одамзод ўзини куршаб турган ташқи оламида, ўзи яшаётган жамиятида, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди. Муסיқа санъати ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир. Шахсни камол топтиришда муסיқа санъати ва маданиятининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, биринчидан, инсон ва унинг моҳияти масаласини, иккинчидан, маърифатлик кўламини, учинчидан, маънавий камолотда муסיқа эга бўлган имкониятларни аниқлашдир. Буларнинг барчаси “...муסיқий маданиятнинг замонавий муаммоларини ўтмиш маданий мероси асосида ҳал этилишига ҳам боғлиқдир”.

Қадимий муסיқа рисолаларида ёзилишига кўра, муסיқанинг энг кўп тарқалган жанрлари бўлмиш куй, ашула ва рақслар узоқ ўтмишдан бери Ўзбекистон ҳудудида ривожланган. Ўрта ва Яқин шарқ халқлари муסיқий эстетик тафаккурининг муҳим йўналишларидан бири – муסיқа тўғрисидаги ахлоқий – эстетик меъёрлар ва тасаввурларнинг вужудга келиши, ҳамда ривожланиши Имом ал-Бухорий номи билан боғлиқ, десак хато бўлмайди. Имомал-Бухорий яшаган даврдан кейин ўтган минг йилдан зиёд вақт давомидан ҳозирги кунларга қадар ҳам муסיқанинг ижтимоий ҳаётда зарурлиги тўғрисида қизғин баҳсларда буюк муҳаддис тўплаган ҳадислар энг нуфузли ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилиб келди. Имомал-Бухорий тасниф этган ҳадислар, илк ўрта асрларга оид барча муқаддас матнлар сингари, мажозий, кўп маъноли ва рамзийдир. Айна шу кейингикики омилмуסיқа табиати тўғрисида фалсафий фикрлаш учун сабаб ва рағбат бўлиб, унинг ички мазмунини тадқиқ этиш учун туртки бўлди.

Мақом санъати бўйича йирик мутахассис Исҳоқ Ражабов Шарқ муסיқасига доир ёзма ва оғзаки манбалар, ривоят ҳамда афсоналарни баён этар экан, номаълум муаллиф рисоласини шундай шарҳлайди: “Масалан, китоб муаллифининг айтишича, ёқимли овоз юксак таъсир кучига эга бўлиб, уни эшитиш билан инсон ички аламларидан ҳоли бўлади. Киши ҳар қандай қийинчиликни, ҳатто очлик, ташналикни эсидан чиқаради. Муסיқа оғир меҳнатдан кейин дам олишнинг энг яхши воситасидир. Муסיқанинг таъсир кучини ҳатто шундан ҳам билса бўладики, йиғлаб турган бола онанинг алласини эшитиб, тинчланади ва ухлаб қолади”. Муסיқа ана шундай бадий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга санъат туридир.

Маънавий янгиланиш жараёнларида муסיқий маданиятга миллий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш, муסיқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада раванқ топтириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, мумтоз



ва замонавий мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда, шунингдек, мусиқа санъатини қўллаб-қуватлашга қаратилган илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мусиқанинг инсон дунёқарашига таъсири, жамият аъзоларининг эстетик идеалларини тарбиялаш билан боғлиқ ишларнинг умумназарий масалаларига янгича ёндашувлар шаклланди. Эндиликда мусиқа нафақат санъат тури балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди. Мусиқага шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш, мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада орگانлигини кўриш мумкин. Бу жараён ўз навбатида, мусиқа ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу ҳолат:

биринчидан, бугунги кун ўзбек анъанавий мусиқа санъатининг хусусиятларини фалсафий нуқтаи назарда илмий таҳлил этиш ва уни замонавий мусиқа тамойиллари асосида бойитишни талаб этмоқда. Чунки, мусиқа ва унинг эстетик табиати ҳам тарбия, ҳам ижтимоий тараққиётни барқарорлаштирувчи муҳим восита сифатида мафкуравий жараёнларнинг марказида туради;

иккинчидан, анъанавий мусиқа санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини илмий ўрганиш, унинг жаҳон мусиқий меросидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали миллий кадриятларимизнинг нафис ва гўзал жиҳатларини акс эттиришга доир қарашларини тизимлаштириш зарурдир. Зеро, ҳозирги пайтда ўзбек халқ анъанавий мусиқий меросимиз ўзининг гўзал хусусиятлари билан жаҳон мусиқа санъати ва маданиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда;

учинчидан, глобаллашув даврида халқ мусиқасини ижро этиш жараёни ва амалиёти тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ, уни фақат оҳанглар тизими сифатида ўрганиш муаммога бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Аслида ўзбек анъанавий халқ мусиқа санъатида оҳанг куй ва нолани уйғунлаштириши билан гўзалликни намоён эттиради ва инсонга эстетик завқ беради;

тўртинчидан, санъат турлари ичида ўзбек халқ мусиқа санъати ўзига хос шакл ва мазмунга эга. Унинг ўрнини бошқа санъат турлари боса олмайди, у нодир ва бетакрордир. У оҳанг бирикмалари, шакл ва жанрлар, мураккаб усуллар мажмуаси халқ поэтик ижодиётини, турли куйлар бойлигини муайян тартибга солади. Шунинг учун ҳам у халқ мусиқа санъати ва маданиятининг юксак намунаси сифатида намоён бўлади. Мусиқа санъатининг шу хусусиятини эстетик мезонлар асосида тадқиқ этиш масаласи фалсафа илмида хануз мавҳумлигича қолмоқда;

Бешинчидан, ўзбек халқ анъанавий мусиқаси ҳисобланган мақомлар, маросим мусиқалари, фольклор кўшиқлари ўзига хос бадиий-эстетик жанр тизимидир. Аммо, собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий мусиқасининг эстетик мазмуни ва фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек халқининг эстетик кадриятида бўшлиқни пайдо қилди. Эндиликда миллий мусиқа меросимизни нафақат тарихий аҳамиятини, балки унинг эстетик муносабатларидаги назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, ўзига хос турмуш тарзини, ўзига хос фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик, миллийлик, айниқса, унинг мусиқа санъати ва маданиятида тўла намоён бўлди. “Барчамизга аёнки, куй-кўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти



ҳалқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таҳсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди”¹.

Кейинги йилларда миллий мусиқа меросимиз маданиятимизнинг бошқа жабҳалари каби инсонларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кўтариш, ватанпарварва халқсевар бўлиб шаклланишларида муҳим омил эканлиги эътироф этилмоқда. Мусиқий кадриятлар ва замонавий куй ва оҳанглар ёшлар маънавиятини шакллантиришда ҳам катта аҳамият касб этади. Демак, миллий мусиқасиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чункимиллий мусиқада шу халқнинг минг йиллар давомида тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топган.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа маданияти навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида, шунингдек, дунёқарашини юксалиб боришида бошқа санъат турларига қараганда ҳам кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2019. –Б. 102
2. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (Энг қадимги даврлардан эрамизнинг V асригача). –Т.: 1994. –Б. 102
3. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2003. 6-том. –Б. 145
4. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент шаҳри. 2022 йил 2-февраль
5. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2003. –Б. 112
6. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи. 1996. –Б. 4
7. Каримов И.А.. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 141

¹Каримов И.А.. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 141